




ORIENTAL JOURNAL OF HISTORY, POLITICS AND LAW

journal homepage:
<https://www.supportscience.uz/index.php/ojhpl>



SOCIO-PHILOSOPHICAL ANALYSIS OF THE CONCEPT OF "CIVILIZATION"

Nigora Ochilova

Associate Professor

University of Economics and Pedagogy

Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Civilization, society based on justice, intellectual work, spiritual production, theory of progress, intellectual development, stages of development, wildness and barbarism, local histories, phenomenon, degradation of art and literature, oral civilization, written civilization, cosmogenic civilization, anthropogenic civilization, traditional civilization, modern civilization, evolutionary and innovative civilization.

Received: 28.10.24

Accepted: 30.10.24

Published: 01.11.24

Abstract: In this article, the desire to build a society that embodies the achievements of Eastern and Western civilizations is growing. In the middle of the last century, Japan, which achieved a high level of development by infusing European techniques and technology with Japanese spirit, was the first experiment in this regard. Today, many developing countries in the world choose such a model of development. Therefore, the interaction between Eastern and Western civilizations will continue regardless of the gap. It is analyzed that this communication will create a foundation for the successful solution of many social problems in the future.

“ЦИВИЛИЗАЦИЯ” ТУШУНЧАСИННИНГ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ТАХЛИЛИ

Нигора Очилова

доцент

Иқтисодиёт ва педагогика университети

Ўзбекистон

E-mail: nigoraochilova72@gmail.com

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Цивилизация, адолатга асосланган жамият, ақлий меҳнат, маънавий ишлаб чиқариш, прогресс назарияси, интеллектуал тараққиёт, тараққиётининг босқичлари, ёввойилик ва варварлик, локал тарихлар, феномен, санъат ва адабиёт деградацияси, оғзаки цивилизация, ёзма цивилизация, китобий цивилизация, космоген цивилизация, техноген цивилизация, антропоген

Аннотация: Ушбу мақолада Шарқ ва Фарб цивилизацияларининг муваффақиятларини ўзида мужассамлаштирган жамият барпо этишга инилиш кучаймоқда. Ўтган асрнинг ўрталарида Европа техникаси ва технологиясини японча руҳ билан суғориб юксак тараққиётга эришган Япония бу борадаги илк тажриба бўлди. Бугунги кунда жаҳондаги кўплаб ривожланаётган

цивилизация, анъанавий цивилизация, замонавий цивилизация, эволюцион ва инновацион цивилизация.

мамлакатлар тараққиётнинг ана шундай моделини танламоқдалар. Бинобарин, Шарқ ва Гарб цивилизациялари ўртасидаги таафовутдан қатъий назар ўзаро мулоқот давом этади. Бу мулоқот келажақда кўплаб ижтимоий муаммоларнинг муваффақиятли хал қилинишига пойдевор яратиши таҳлил этилади.

СОЦИО-ФИЛОСОФСКИЙ АНАЛИЗ ПОНЯТИЯ «ЦИВИЛИЗАЦИЯ»

Нигора Очилова

Доцент

Университет экономики и педагогики

Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Цивилизация, общество, основанное на справедливости, интеллектуальный труд, духовное производство, теория прогресса, интеллектуальное развитие, этапы развития, дикость и варварство, локальная история, феномен, деградация искусства и литературы, устная цивилизация, письменная цивилизация, книжная цивилизация, космогенная цивилизация, рукотворная цивилизация, антропогенная цивилизация, традиционная цивилизация, современная цивилизация, эволюционно-инновационная цивилизация.

Аннотация: В данной статье растет стремление построить общество, сочетающее в себе достижения восточной и западной цивилизаций. В середине прошлого века Япония стала первым экспериментатором в этом отношении, добившимся высокого развития за счет приятия европейским методам и технологиям японского духа. Сегодня многие развивающиеся страны мира выбирают именно такую модель развития. Следовательно, взаимодействие восточной и западной цивилизаций продолжится, несмотря на разрыв. Анализируется, что этот диалог создаст основу для успешного решения многих социальных проблем в будущем.

КИРИШ

Ҳозирги замон цивилизациясининг асосий хусусиятларини аниқлаш, уларнинг шахс маънавий қиёфасига таъсирининг асосий йўналишларини бел-гилаш «цивилизация» тушунчасининг мазмунига аниқлик киритишни тақозо этади, албатта. Таассуфки, бу борада ҳанузга қадар бир тўхтамга келингани йўқ. Бинобарин, бугунги кунда «цивилизация» тушунчасининг дефиниция-сини ишлаб чиқиши долзарб аҳамият касб этмоқда.

Энг аввало шуни таъкидлаш лозимки, “цивилизация” тушунчасининг мазмуни конкрет-тариҳий характерга эга. Бошқача айтадиган бўлсақ, ушбу тушунчанинг мазмуни замонларга мутаносиб тарзда, кишилиқ жамиятида тўпланган ижтимоий-гуманитар билимлар ҳажмига мос равишда, мазкур муаммолар хусусида бош қотирган мутафаккир ва мутахассисларнинг дунёқарашларига уйғун ҳолда ўзгариб, бойиб ва тўлишиб борди.

Цивилизация, дастлаб ақлга ва адолатга асосланган прогрессни ёвво-йилликка қарама-карши қўювчи тушунча сифатида пайдо бўлган. Зотан, ушбу тушунчани XVI асрда илк бор ишлатган француз мутафаккири М.Монтенъ ўз асарида мулоҳаза ва адолатга асосланган жамиятни шундай номлайди[1]. Ижтимоий тараққиётнинг илк босқичларида инсон ўзи яшаган жамоа (уруғ ёки қабила) билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ўзини ана шу жамоанинг бир қисми деб хисобларди. Ушбу жамоанинг тараққиёт этиши, унинг ҳам ривож-ланишига олиб келарди. Бундай шароитда жамият ижтимоий ва маданий ас-пектлари бир-биридан айри қўйилмасди: ижтимоий ҳаёт маълум маданият-нинг ҳам ҳаётини англатар, жамиятда эришилган муваффақиятлар маданият ютуқлари ҳисобланарди. Қадимги жамоанинг онги кишилар моддий фаоли-ятига боғлиқ бўлгани каби жамиятнинг маданий турмуши ижтимоий ҳаётга сингиб кетганди.

Илк кишилик жамоасининг ўзига хос хусусияти, унинг табиийлиги би-лан боғлиқ эди. Қабиладаги ва қабилалараро муносабатлар кишиларнинг бир-галиқдаги ва ҳамкорликдаги ҳаёти ва фаолияти жараёнида, ҳаёт учун кураш давомида шаклланарди. Ушбу муносабатларнинг барҳам топиши, уларнинг ўрнига ўзга характердаги ижтимоий муносабатларнинг юзага келиши жамият тараққиётига туб бурилиш ясади. Бундай бурилиш эндиликда цивилизация шаклана бошлаганини англатарди.

Жамият ҳаётининг ушбу босқичига чуқурроқ назар ташласак, цивили-зациянинг асосий хусусиятлари яққол намоён бўлади. Улар қуидагилардан иборат:

- мехнатнинг ижтимоий тақсимоти;
- шаҳарнинг қишлоқдан фарқланиши;
- ақлий меҳнатнинг жисмоний меҳнатдан фарқланиши;
- товар-пул муносабатлари ва товар ишлаб чиқаришнинг вужудга келиши;
- давлатнинг шаклланиши;
- мулкни мерос қилиб олиш хуқуқининг эътироф этилиши;
- оила шаклида юз берган ўзгаришлар;
- маънавий ишлаб чиқаришнинг ривожланиши.

Айнан ана шу хусусиятлар жамиятнинг цивилизациялашганлиги дара-жасини англатади.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Орадан икки аср ўтиб, XVIII асрда француз маърифатпарварлари асос солган прогресс назариясида ақлга мувофиқ барпо этилган идеал жамият сари тараққиёт «цивилизация», деб атала бошланди.

Франциядаги Реставрация даврида Ф. Гизонинг цивилизация ҳақидаги қарашлари алоҳида эътиборга сазовор бўлди. Унинг фикрича, цивилизация - икки элементнинг –

ижтимоий ва интеллектуал тараққиёт даражалари бирлигини характерловчи тушунчадир [2].

XIX асрда ушбу тушунча кишилик жамияти тараққиётининг босқич-ларини ифодалаш учун ишлатила бошланди. Л. Морган[3] кейинчалик Ф. Энгельс[4] инсоният тарихининг ёввойилик ва варварликдан кейинги даврини цивилизация даври деб атадилар.

XIX аср охири – XX аср бошларида Л. Морган ва Ф. Энгельс фикрлари мутафаккирлар томонидан турлича ривожлантирилди. Бунга цивилизация ҳақидаги парадигмаларнинг ўзгариши замин ҳозирлади. (Парадигмаларнинг ўзгариши деганда биз муаллифлар томонидан илгари сурилган назариялар ва концепцияларнинг оддий алмашинувини эмас, тадқиқот обьектига (яъни ци-вилизацияга) бўлган ёндашувнинг, муносабатнинг алмашинувини назарда тутмоқдамиз). Гап шундаки, XIX аср охирига қадар цивилизация ҳақидаги эволюционистик парадигма ҳукм сурган. Унга кўра, инсоният тарихи ва маданий тараққиёти яхлит характерга эга[5;29-б]. Мазкур парадигманинг асосий гояларига таяниб мулоҳаза юритган К. Ясперс ва унинг тарафдорлари инсо-ниятнинг ёввойилик ва варварликдан кейинги даврдаги яхлит прогрессив тараққиётини цивилизация сифатида талқин этадилар. Унинг фикрига кўра, локал цивилизацияларнинг ўзаро алоқадорлик босқичида экуменик цивилиза-ция вужудга келади. Умумжаҳон тарихининг реаллиги инсониятнинг маъна-вий яхлитлиги билан шартланади. Карл Ясперс ўзининг «Тарихий тараққиёт ибтидоси ва мақсади» асарида инсоният тараққиётини тўрт босқичга бўлади: тарихгача бўлган давр, буюк тарихий-қадимий маданиятлар (локал тарихлар) даври, умумжаҳон тарихининг бошланиши даври ва техника (яхлит жаҳон тарихига ўтилиши) даври. Бу фикрлардан кўриниб турибдики, К. Ясперс ци-вилизацияни инсоният босиб ўтган тарихий маданият билан боғлайди[6].

Улардан фарқли ўлароқ, бошқа бир гурух файласуфлар «цивилизация» тушунчасини ўзгача - циклик парадигма гояларига асосланиб таҳлил қиласи-лар ва ўзига хос ижтимоий– маданий феномен сифатида таърифлайдилар. Масалан, Н. Данилевскийнинг “Россия ва Европа” деб номланган асарида цивилизация тарихий тараққиётининг конкрет субъекти билан боғланади. Унинг фикрига кўра, умумжаҳон универсал тарихи йўқ ва бўлиши ҳам мум-кин эмас. Шу боисдан индивидуал характерга эга бўлган аниқ цивилизация-лар ҳақида фикр юритиш мумкин, холос[7]. Унинг фикрини давом эттирган немис файласуфи О. Шпенгер цивилизацияни ҳар қандай маданий тараққи-ётнинг якуний босқичи сифатида ифодалади. Цивилизация маданий тараққиёт интиҳо топаётганидан, ўлаётганидан дарак бергувчи даврдир, дейди файласуф. О. Шпенгернинг фикрига кўра, «цивилизация – бу техномеханик омилларнинг системаси бўлиб, ҳар қандай маданиятнинг интиҳосидир. Мада-ният бўлса ўзининг ички имкониятларини инкор эта бориб, цивилизацияга айланади»

[8]. Маданиятдан цивилизацияга ўтиш – ижоддан бемаҳсулликка, тараққиётдан турғунликка, жасоратдан “механик” хаётта ўтиш демак.

О. Шпенглернинг фикрига кўра, цивилизациянинг асосий белгилари индустря ва техника ривожи, санъат ва адабиёт деградацияси, кишиларнинг бир неча шахарларда тўплана бориши, халқнинг қиёфасиз оммага айланба бориши би-лан боғлиқ. А.Тойнби эса О.Шпенглердан фарқли тарзда цивилизация билан маданиятнинг алоқадорлигини инкор этмайди. У цивилизацияни аниқ жами-ятнинг ижтимоий-маданий шакли (қадимги Миср, қадимги Вавилон, қадимги Араб цивилизациялари) деб ҳисоблайди[9;-436].

Маданият билан цивилизациянинг алоқадорлиги ҳақидаги мулоҳаза-ларни М.Вебер қарашларида ҳам кўриш мумкин. Унинг фикрига кўра, ма-даният билан цивилизация бириккинчисига алоқадор тушунчалардир, яъни цивилизация кишилик жамиятининг аниқ босқичини ифодаласа, маданият цивилизациянинг сифатий томонини ифодалайди[10].

XX асрнинг иккинчи ярми фалсафаси цивилизацияни у ёки бу аксио-матик мезонлар асосида талқин қила бошлади. Бундай мезонлар асосида қу-йидаги цивилизация типлари қайд этилади: оғзаки цивилизация, ёзма циви-лизация, китобий цивилизация, космоген цивилизация, техноген цивилиза-ция, антропоген цивилизация, анъанавий цивилизация, замонавий цивилиза-ция, эволюцион ва инновацион цивилизация. Бундай таснифга қўп ҳолатлар-да техноген ёндашув асос қилиб олинади. Бошқача айтадиган бўлсак, цивилизациянинг моҳияти, унинг асосий таркибий компонентлари маданий хусу-сиятлардан эмас, технологик хусусиятлардан изланади. Фан ва техника тараққиёти, иқтисодий самарадорлик ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини ўзига бўйсундирди, бинобарин цивилизациянинг субстанциал асоси ва уни-версал мезони техника ва иқтисодиёт ривожи билан боғлиқ, деб уқтиради М. Вебер. Техноген ёндашув асосида ижтимоий тараққиёт аграр цивилизация, индустрιал цивилизация ва постиндустриал (информацион) цивилизация-ларга бўлинади[11].

Инсоният босиб ўтган тарихий тараққиёт йўлини цивилизациянинг юқоридаги босқичлари асосида талқин этишни америкалик файласуф, со-циолог Э. Тоффлер ҳам эътироф этади[12]. Унинг фикрича, инсоният цивилиза-циясининг дастлабки босқичи XVIII асрга қадар дехқончилик маданиятининг шаклланиши билан боғлиқ. Цивилизациянинг бу босқичида жамиятда ўта содда ижтимоий иерархия ҳукм сурган, ҳокимият эса ер эгалари қўлида жамланган. Аграр цивилизация даврида асосан икки ижтимоий институт – черков ва армиягина эътиборга лойик қудратга эга бўлган. Иқтисодиётда эса жисмоний меҳнат ақлий меҳнатдан устуворлик қилган.

Цивилизациянинг иккинчи (XVIII асрдан XX асрнинг 50-йил-ларига қадар) индустрιал цивилизация деб аталиб, саноат ишлаб чиқариши жараёнининг ўзгариши, фан-

техника ютуқларининг халқ хўжалигига қўл-ланилиши, индустрияга инвестицияларнинг ўсиши, малакали меҳнат улуши-нинг ошиши, бандлик таркибининг ўзгариши, шаҳар аҳолисининг кўпайиши билан характерланади. Бу босқичда кишилар фаолияти илмий дунёкарашга асосланган.

Цивилизациянинг учинчи босқичини XX аср 50–йилларидан кейин Э. Тоффлер информацион цивилизация деб атайди. Бу босқичда фан ва техника тараққиётининг барча босқичлари инсон ҳаётига кириб келди. Маиший хизмат қўрсатиш соҳаси ривожланди, оммавий истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш кучайди. Бу даврни мутафаккир комплекс автоматизация даври сифатида характерлайди.

Албатта, цивилизациянинг бундай кўп вариантларда таърифланиши бе-жиз эмас. Улар тарихий жараённинг турли томонларини ифодалайди. Бироқ ушбу вариантларнинг камчилиги шундаки, уларнинг барчаси тарихий жара-ённинг у ёки бу жиҳатини бўрттириб қўрсатади.

XX асрнинг охирги ўн йили давомида цивилизацияга доир янги ва янги концепциялар, қарашлар, ғоялар юзага келди. Жаҳон цивилизациясининг та-ракқиётига доир моделлар нафақат Фарб оламида, балки дунёнинг ўзга мам-лакатларида ҳам ишлаб чиқилмоқда ва илмий жамоатчилик ҳукмига ҳавола этилмоқда. Масалан, япон тарихчиси Ш. Ито маданият бобида содир бўлаёт-ган ўзгаришларнинг асосий сабабини умумсайёравий цивилизация билан локал цивилизациянинг ўзаро алоқадорлигидан излайди. Тарихчи ҳатто Г. Гегель ва К. Маркснинг цивилизация ҳақидаги қарашларини А. Тойнби ва О. Шпенглернинг локал цивилизациялар назарияси билан синтез қилишга ури-нади. Бундай концепция ва қарашларнинг таъсири ўлароқ янги ва янги ту-шунчалар юзага келмоқда: “марказий цивилизация” (Д. Уилкинсон), “цивилизация жараёни” (Н. Элиас), “бўлинган цивилизация” (С. Хантингтон) [13], “саводсизлик цивилизацияси” (М. Надин).

Янги ва янги муаммолар кун тартибига қўйилмоқда: цивилизация – ёввойилик манбаи (С. Латуш, П. Кауфман) ўз-ўзини маданий идентификациялаш ва цивилизациялар тўқнашуви (С. Хантингтон).

Ўзбек фалсафасида ҳам цивилизациялар тараққиёти, ҳозирги замон цивилизациясининг ўзига хос хусусиятларига бағишлиланган рисолалар ва мақо-лалар талайгина. Жаҳон илмий жамоатчилиги атоқли олима Ф. Сулаймонова-нинг “Шарқ ва Фарб” номли фундаментал китобини ҳам юқори баҳолади. Олима, биринчидан, цивилизацияларнинг турли типлари ўртасида диалектик алоқадорлик мавжудлигини асослаб беришга муваффақ бўлди. Иккинчидан, Фарб цивилизациясининг тараққиётига айнан Шарқ замин ҳозирлаганини ишончли далиллар ёрдамида исботлади. Учинчидан, Шарқ ва Фарб цивилиза-циялари ўртасидаги мулоқот асрлар оша давом этиб келгани, бу

мулоқот ўз қонуниятларига эгалигини ёритиб берди. Тўртингидан, Ф. Сулаймонова китоби, С. Хантингтон ибораси билан айтганда, мамлакатимизда ўз-ўзини маданий идентификациялаш жараёни бошланганини намойиш этди[14].

НАТИЖАЛАР

Мақолада илгари сурилган ғоялар ва хulosалардан олий ва ўрта махсус ўкув юртларида «Фалсафа», «Тарих», «Маданиятшунослик», “Маънавият асослари”, бошқа ўкув фанларидан назарий ва амалий машгулотлар ўtkазаётганда фойдаланса бўлади.

Мақолада ишлаб чиқилган тавсиялар давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан шахс маънавий хавфсизлигини таъминлашга қаратилган тадбирларда, маънавий тарғибот ва ташвиқот ишларида татбик этилиши мумкин.

Мақоланинг асосий натижалари Иқтисодиёт ва педагогика университети “Тарих ва ижтимоий фанлар” кафедрасида мунтазам фаолият кўрсатаётган методологик семинарда, ҳамда халқаро ва республика миқёсида ўtkазилган турли илмий-назарий ва илмий-амалий конференциялардаги маъruzalariда жумладан, «Фан тараққиёт ва ёшлар» мавзууда Қарши давлат университетида (Қарши, 2022), «Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида» мавзууда Қарши муҳандислик-иктисодиёт институтида (Қарши, 2019), «Фалсафа ва ижтимоий тараққиёт» мавзууда Ўзбекистон Миллий Университетида (Тошкент, 2008), «Ҳозирги замон фалсафаси» мавзууда Тошкент давлат педагогика университетида (Тошкент, 2008), ўtkазилган халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларида баён этилган. Шунингдек, маънавият тарғибот маркази Қашқадарё вилоят бўлими фаолиятида, Қарши шаҳар ҳокимлигининг маънавий-маърифий тадбирларида, меҳнаткашлар орасида ўқилаётган маъruzalardan кенг фойдаланилмоқда.

МУҲОКАМА

Кишилик жамияти ривожининг шахс маънавий қиёфасига таъсири барча замонларда турли мутафаккирлар ва мутахассислар томонидан бисёр ўрганиб келинган. Чунки инсоният цивилизацияси тараққиёти билан шахс маънавий қиёфаси ўртасида ўзига хос диалектик алоқадорлик мавжуд. Бироқ бу диалектик алоқадорлик турли замонларда турли тарзда намоён бўлади. Ўз иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий-маданий хусусиятларига кўра мутлақо ўзгача феноменал жараён бўлмиш ҳозирги замон цивилизацияси шароитида мазкур боғлиқлик ниҳоятда ёрқин намоён бўлмоқда.

Янги аср арафасида жаҳон иқтисодий хўжалиги таркиби тубдан ўзгарди. Фан ва техника тараққиёти янги босқичга қадам қўйди. Фан ва техниканинг қудратли тараққиёти бир томондан информацион жамиятнинг шаклланишига олиб келган бўлса, иккинчи томондан янги тенденция – глобаллашув жараёнини юзага келтирди. Шунингдек, маданий тараққиёт бобида ҳам мисли кўрилмаган ўзгаришлар содир бўлди. Хусусан, оммавий

маданиятнинг ривожланиб бораётгани шахс маънавий дунёсига беқиёс таъсир ўтказмоқда. Глобаллашув ва маданият оламидаги ўзгаришлар XXI аср арафасига келиб уч кутбли дунёнинг шаклланишига замин яратди. Ушбу жараёнлар шахс маънавий қиёфаси характерининг, хаётий қадриятлари ва идеалларининг, ижтимоий мавқеининг ўзгаришига, қатор ижтимоий иллатларнинг юзага келишига сабаб бўлмоқда. Бунинг устига, XXI аср бошларига келиб шахс маънавий қиёфасига таҳдид солувчи омил ва воситалар миқдори кўпайиб кетди. Шахс маънавий олами учун кураш турли сиёсий кучлар фаолиятининг асосий мақсадларидан бирига айланди.

Кўриниб турибдики, “цивилизация – шахс маънавий қиёфаси” алоқа-дорлиги бизнинг давримизда ўзига хос тарзда намоён бўлмоқда. Боз устига, бу алоқадорлик нафакат ижобий, балки аксарият ҳолларда салбий тус касб этмоқда. Айни пайтда:

1. Ҳозирги замон цивилизациясидаги тенденциявий ўзгаришлар, улар-нинг оқибатлари яхлит илмий иш миқёсида умумлаштирилгани йўқ. Тадқи-қотчилар айrim тенденциялар таҳлили билан чекланмоқдалар. Ваҳоланки, замон нафасини билиш учун ушбу тенденциялар яхлит ҳолда тадқиқ қили-ниши зарур.

2. Ҳозирги замон цивилизацияси тараққиётининг ўзи шахс маънавий қиёфаси характерини ўзgartирмоқда. Буни мамлакатимиз миқёсида ҳам куза-тишимиз мумкин. Лекин бу таъсирнинг асосий йўналишлари, шакллари ва воситалари ҳанузга қадар маҳсус тадқиқот объектига айлангани йўқ.

3. Ҳозирги замон цивилизацияси натижасида маънавий таҳдид омил-лари ва воситалари кўпайиб кетди. Шу муносабат билан маънавий таҳдид йў-налишлари, омиллари, воситалари, услублари ва усулларини тадқиқ ва таҳ-лил этиш зарурияти туғилмоқда.

4. Вужудга келган вазиятда шахс маънавий қиёфасини ҳимоялаш маса-лалари алоҳида аҳамият касб этмоқда. Лекин ҳанузга қадар шахснинг маъ-навий хавфсизлигини таъминлашнинг яхлит механизми ишлаб чиқилгани йўқ.

5. Шахс маънавий хавфсизлигини таъминлашга хизмат қиласиган шарт-шароитларни яратиш учун маънавий-маданий вазиятни оқилона, мақ-садга мувофиқ тарзда ўрганиш зарур. Бу вазифа маънавий-маданий вазиятни ўрганиш технологиясини ишлаб чиқишини тақозо этмоқда.

6. Шахс маънавий хавфсизлигини таъминлаш масалалари маънавий таълим-тарбия самарасини оширишга бориб тақалади. Бунда ижтимоий инс-титутлар алоҳида ўрин тутиши бизга маълум. Шу боисдан ижтимоий инсти-тутлар тарбиявий имкониятларини ошириш, улар фаолияти билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш хусусида ҳам бош қотиришга тўғри келмоқда.

Тилга олинган аргументлар ҳозирги замон цивилизациясининг шахс маънавий қиёфасига таъсири билан боғлиқ муаммо кун сайин долзарблашиб бораётганидан далолат беради. “Агар биз бу масалада хушёрлик ва сезгир-лигимизни, қатъият ва масъулиятимизни йўқотсак, бу ўта муҳим ишни ўз холига, ўзибўларчиликка ташлаб кўядиган бўлсак, муқаддас қадриятлари-мизга йўғрилган ва улардан озикланган маънавиятимиздан, тарихий хоти-рамиздан айрилиб, охир-оқибатда ўзимиз интилган умумбашарий тараққиёт йўлидан четга чиқиб қолишимиз мумкин.”

ХУЛОСА

Хуллас, «цивилизация» тушунчаси турли фалсафий-гносеологик концепцияларда турлича ёндашувлар асосида талқин қилинган. Цивилизация ҳа-қидаги фалсафий, культурологик, социологик, этнопсихологик, географик концепциялар ва қарашларни охир-оқибатда уч асосий гурухга мансуб топиш мумкин:

1. Цивилизацияни инсониятнинг ёввойилик ва варварлиқдан кейинги даврдаги яхлит прогрессив тараққиёти сифатида талқин қилувчи;
2. Цивилизацияни тарихий тараққиётнинг конкрет субъекти билан боғ-ловчи, ижтимоий прогресс ёхуд регресснинг, моддий ва маънавий маданият тараққиёти ёки таназзулининг маълум бир босқичи сифатида таърифловчи;
3. Цивилизацияни техноген тараққиёт билан асословчи.

Табиийки, “цивилизация” тушунчасининг мазмунини аниқроқ ифода-лаш учун фалсафий фикрлар тараққиётидаги қарашларни таҳлил қилмоқ, бу қарашлардаги эътиroz уйғотмайдиган, мантиқан асосланган хulosаларни аниқламоқ мақсадга мувофиқ. Мазкур хulosаларга асосланадиган бўлсак, цивилизация деганда, инсониятнинг ёввойилик ва варварлиқдан кейинги даврдаги яхлит прогрессив тараққиёти, маданиятнинг мавжуд бўлишини таъ-минлайдиган ижтимоий муносабатлар йигиндиси тушунилади. «Цивилизация» тушунчасига ана шундай таъриф берилганда, ижтимоий тараққиётга цивилизацион ёндашув формацион ёндашувдан мазмунлироқ эканлиги маълум бўлади. Чунки цивилизация умумсайёравий характерга эга бўлса, формация локал характер касб этади. Боз устига, формация жамиятдаги иқтисодий кўрсаткичларнинг устуворлигини эътироф этади, цивилизация эса жамиятни яхлит реаллик сифатида тадқиқ этиш имконини беради. Масалага бундай ёндашиш кўпгина замонавий муаммоларнинг табиатини аниқлаш ва бартараф этиш йўлларини топиш учун замин яратади.

Цивилизация ўзининг вертикал ва горизонтал ўлчамларига эга. Вер-тикал ўлчамлар инсоният тараққиётининг турли босқичларини (қадимги цивилизация, ўрта асрлар цивилизацияси, янги замон цивилизацияси, ҳозир-ги замон цивилизацияси) ифодалайди. Ушбу босқичларнинг ҳар бири ўз ру-ҳига, эга бўлган. Хусусан, қадимги цивилизация

инсоният тарихининг тонги-да эришилган муваффақиятларни ўзида мужассам этди. Қарийб бир неча минг йиллик тарихни ўз ичига олувчи қадимги цивилизация давомида: чорвачилик, дәхқончилик ва ҳунармандчилик ривожланди, дастлабки сув иншоотлари барпо этилди. Савдо-сотик жадаллик билан одимлаб бораверди. Муттасил ривожланиб борган ижтимоий-иктисодий, сиёсий ва маънавий-маданий муносабатларни мувофиқлаштириш зарурияти юзага келди ва бу зарурият турли давлатларнинг шаклланиши билан интиҳо топди. Илмий манбаларда қадимги цивилизация ўчоқлари сифатида Миср ва Бобил, Ҳиндистон ва Хитой, Эрон ва Турон, Юнонистон ва Рим тилга олинади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

- [1] Монтень М. Опыты.- М.: Эксмо, 2007
- [2] Гизо Ф. История цивилизации в Европе.- М.: Территория будущего, 2007.
- [3] Морган Л. Первобытное общество: Исследования прогресса человечества из дикого состояния к варварству и из варварства к цивилизации. - СПб: Л.Ф.Пантелеев, 1900.
- [4] Энгельс Ф. Происхождение семьи, частной собственности и государства: в связи с исследованиями Льюиса Г. Моргана. - М.: URSS, 2007.
- [5] Токарев С. История зарубежной этнографии.- М.: Высшая школа, 1978.- С. 29.
- [6] Ясперс К. Смысл и назначение истории. - М.: Республика, 1994
- [7] Данилевский Н. Россия и Европа: Россия и Европа: взгляд на культурные и политические отношения славянского мира к германо-романскому. - М.: Эксмо, 2003;
- [8] Шпенглер О. Закат Европы. Гештальт и действительность. Очерки морфологии мировой истории. - М.: Эксмо, 2006.-43c
- [9] Тойнби А. Цивилизация перед судом истории. - М.: АЙРИС ПРЕСС, 2006.
- [10] Вебер М. Аграрная история Древнего мира. - М.: Канон-пресс-Ц: Кучково поле, 2001
- [11] Белл Д. Грядущее постиндустриальное общество: опыт социального прогнозирования. - М.: Academia, 2004; Ростоу У. Политика и стадии роста. - М.: Прогресс, 1973;
- [12] www.ecsocman.edu.ru/images/pubs/2004/04/03/0000153589/012iONOW.pdf
- [13] Хантингтон С. Столкновение цивилизаций. - М: ACT, 2006.
- [14] Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. - Т.: Ўзбекистон, 1997.